


# DAVLAT VA HUQUQ



4 (20)  
/ 2004

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

№ 4 (20)  
2004

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖУРНАЛ

МУНДАРИЖА #

## БОШ МУҲАРРИР:

Мирзаюсуп РУСТАМБОЕВ

Бош мұҳаррір ўринбосари:  
Мұхаммади УСМОНОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ

Ҳожиақбар РАҲМОНҚУЛОВ

Икромжон ЗОКИРОВ

Шоакбар ШОРАХМЕТОВ

Ҳалимбой БОБОЕВ

Давронбек АҲМЕДОВ

Рустамжон ЗУФАРОВ

Рустам ШАРИПОВ

Абдужаббор ТУЛАГАНОВ

Зайниддин ИСЛОМОВ

масъул мұҳаррирлар

Содиқжон МҮМИНОВ

Геннадий НЕКЛЕССА

Саҳифаловчи: Муроджон  
МИРЗАЛИЕВ

Таҳририят манзили: 700047,

Тошкент шаҳри,

Сайилгоҳ кӯчаси-35.

төл: 132-02-57.

Тошкент Давлат юридик  
институти

Теришга топширилди: 10.09.2004.

Босишига рухсат этилди: 2.10.2004.

Қоғоз бичими 60x84 1/8. Журнал

офсет усууда босилди.

Шартли босма табоги-6.

Нашриёт табоги-15. 1000 нусха,

Буюртма № 396

БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА

"Давлат ва ҳуқуқ" журнали  
Ўзбекистон Республикаси Давлат  
Матбуот қўмитаси томонидан  
02-54-сонли гувоҳнома билан  
рўйхатта олинган.

## Конституциявий ҳуқуқ

Х. Одилқориев, Ў. Мухамедов. Қонунчилик жараёни кодекси: унинг зарурати, структураси ва мазмуни

МУНДАРИЖА #

## Давлат қурилиши

О. Ҳусанов. Давлат қурилиши ва бошқарувини эркинлаштириш йулидан	6
Х. Рузметов. К совершение в правовом механизме межбюджетных отношений	8
А. Латифов. Законодательная инициатива и внесение законопроектов при двухпалатном парламенте Узбекистана	11
А. Рахманов. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий мақомини ўрганишинг айрим жиҳатлари	13
И. Ҳўжаназаров. Ҳуқуқий сийёсатда либераллаштиришинг бальзи жиҳатлари	16
Қ. Джумабаев. Демократия ва иктиомий адолат жамияти сари	18
Т. Умаров. Истибоддада истиқлолгача	19
Ш. Асадов. Мактабгача таълим муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш	21

## Фуқаролик ҳуқуқи

Ф. Шодманов. Зарарни қоплаш ва неустойкани ундиришинг ўзига хос ҳуқусиятлари	23
И. Кац. К вопросу об организационно-правовых формах предпринимательства	24
В. Эргашев. Мулк ҳуқуқини тартибида солиш муаммолари	26
С. Гулямов. Корпоратив бошқарув моделлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари	27
И. Джурбаева. Коллизионные нормы в регулировании вопроса о расторжении брака в международном частном праве	31
Н. Абдуллаева. Законодательные основы Республики Узбекистан «О страховой деятельности»	32
Э. Файзуллахўжасев. Ашёвий, мулк ва мажбурият ҳуқуки тушунчаларининг бальзи жиҳатлари	35

## Солиқ ҳуқуқи

Ф. Самигжонов. Божхона ишини ташкил этишинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари

37

## Жиноят ва жазо

Зарипов, Қ. Мирзажанов. Современная криминология: её состояние и задачи	39
Т. Мирзазов. Уголовная ответственность за нарушения правил обращения с оружием и веществами повышенной опасности для окружающих	40
А. Назаров. Онла-турмуш муносабатларида зўровонлик муаммоларининг оддини олиш	44
А. Қамаров. Терроризми таърифлашнинг назарий-амалий муаммолари	45
Б. Хидоятов. Досудебное производство в системе уголовного процесса	46
Б. Олимжанов. Теоретические дискуссии о понятии должностного хищения чужого имущества	48
Е. Никифорова. Проблемы процессуальной формы судопроизводства по делам о преступлениях несовершеннолетних	49
М. Мусаев. Жиноят уюнича фаолитини квалификация қилиш муаммолари	50
М. Жилянов. Жиноят ҳуқуқи назарийисида ҳуқуқий нормалар ракобати	52
Р. Воймаматова. Жиноятнинг маҳсус субъекти ва унинг белгилари	54
У. Тухташева. Процессуальное положение прокурора в суде апелляционной инстанции	55
М. Абдуллаева, А. Порбоев, Т. Ахмедов. Дори воситаларининг криминалистик экспертизаси объектлари	56

## Ҳуқук ва ҳавфисзлик

И. Тультеев, А. Ҳасанов. Система нормативных актов МВД Республики Узбекистан: проблемы и перспективы	58
И. Исмаилов. Терроризмнинг оддини олишда ҳамкорликни ташкил этиш масалалари	60

## Халқаро ҳуқуқ

М. Азимов. Халқаро жиноят суди ва юрисдикцияси доираси	62
Ҳуқуқ: тажриба ва ҳамкорлик	
С. Адилходжаева. Япония: государственность, развитие, перспективы	66
Б. Исмаилов. Правовая регламентация организации и деятельности судов: зарубежная конституционная практика	67
А. Абзалов. Обеспечение прав потерпевших (жертв преступлений) в уголовно-процессуальном законодательстве Японии	69
Г. Тўлаганова. Эҳтёт чоралари кулланышининг жаҳон тажрибаси	71
С. Рустамбоев. Ўзбекистон ва Америка ҳамкорлиги истиқболлари	73

## Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар

Ф. Мухитдинова. Политико-правовые учения Моварауннахра о справедливом обществе	76
М. Эргашева. Фитрат меросида маҳр масаласи	77
У. Фозилов. Фуқаролик жамиятияга оид XVII-XIX аср таълимотлар тарихи	78



борада Германия, Латвия, Чехия, Болгария, Франция Фуқаролик кодексларида эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатнинг ҳуқуқий тартибга солинишини ўрганиш ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 187 – моддаси билан қиёсий таҳлил қилиш орқали айрим муаммоли ҳолатларнинг олдини олишга хизмат килиши мумкин.

Мазкур мақолада эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат билан боғлиқ бўлган икки муаммоли ҳолатларни кўриб чиқамиз. Биринчиси Фуқаролик кодексининг 187 – моддаси билан ўрнатилган эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатлар хусусида бўлиб, бундай муддатлар ўрнатилишининг асослиги ва савдо муоммаласи манфаатларига қанчалик дараҷада мос эканлиги тўғрисидаги масалалар юзасидан фикр юритамиз. Маълумки, Фуқаролик кодекси 187 – моддага кўра, мол – мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш учун кўчмас мол – мулкни 15 йил, кўчар мол – мулкни эса 5 йил давомида ошкора, ҳалол, узлуксиз ва ўзиники каби эгалик қилиш талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, Фуқаролик кодекси 187 – модда (егалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат) бўйича кўчмас ва кўчар мол мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш учун қонун томонидан ўрнатилган муддатларни қисқартириш лозим. Мазкур узоқ муддатларнинг ўрнатилиши савдо обороти манфаатларидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсан мақсадга мувофиқ эмас. Тегишли мол – мулклар узоқ муддат давомида оборотдан деярли чиқиб кетади ва бундай ҳолат наинки савдо мунособатлари иштирокчиларининг, балки давлатнинг ҳам иктиносидан манфаатларига зиддир. Шу боис, кўчар мол мулклар учун 3 йил, кўчмас мол мулклар учун 10 йиллик эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатнинг ўрнатилиши лозим. Кўчар мол – мулклар учун 3 йиллик

муддатнинг ўрнатилиши, агар умумий даъво муддати билан ҳам қиёслаб таҳлил этадиган бўлсан мақсадга мувофиқдир. Чунки мулкдор ўрнатилган даъво муддати мобайнида ўз мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳакли бўлиб, бу муддат тутаганидан сўнг бевосита талаб қилиб олиш ҳуқуқи ҳам йўқолади.

Муаммоларнинг иккинчи гурӯхини эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатлар ўтишининг узлуксизлиги масаласи ташкил этади. Узлуксиз эгалик қилиш, бутун муддат давомида юридик ва фактик жиҳатдан узилмасдан давом этишилгини англаради. Агар эгалик қилиш ноқонуний эгалловчининг эркидан ташҳари ҳолда узилган бўлса, умумий қоидага кўра, эгалик қилиш узилган деб ҳисобланади. Фуқаролик кодекси 187 – моддасининг З қисмига кўра, ноқонуний эгалловчи ўз эгалигини мол – мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоз қилиш ҳуқуқига эгадир. Шу боис эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатнинг ўтиши ашёга эгалик қилиувчининг эгалигидан ташҳари чиқиб кетган ҳолларда (егалик қилиувчи томонидан эгалигини тиклаш шарти билан) узилмаган деб ҳисобланиши зарур. Тегишли ҳуқуқий меъёрларнинг мавжуд эмаслиги эгалик қилиувчи ҳуқуқий ҳолатиди ноаниқлик мухитини кеттириб чиқаради ҳамда мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи асослардан бирни сифатида эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатдан фойдаланишининг самарадорлигини пасайтиради. Шу сабабли, Фуқаролик кодексига эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатни узилишига олиб келмайдиган, амалдаги эгалик қилинда йўл қўйиладиган узилишини тартибга солувчи меъёр киритилиши, 187 – модда шу мазмундаги 6 – қисм билан тўдирилиши лозим.

1 Бартошек М. Римское право. (Понятие, термины, определение) М., Юрист, 1989, 299-бет.

2 Шершеневич Г.Ф. Курс. 293-бет.

3 Дождев Д.В. Римское частное право. М., 1999, 360-бет.

4 Новицкий И.Б., Претерский И.С. Римское частное право. М., Юрист, 1994, 184-бет.

Сайдилла  
ГУЛЯМОВ

## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Корпоратив ҳуқуқнинг, яъни фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисмларидан бирни бўлмиш, хужалик жамиятлари ва ширкатларининг ҳуқуқий ҳолатини, ташкил этилиш тартибини ҳамда фаолиятини тартибга солувчи юридик қоидалар ийғиндисининг ички тузилиши тўғрисида XX аср давомида олиб борилган баҳс – мунозаралар ҳамда тажрибалар ҳуқуқ нормалари акциядорлар ҳамда бозорнинг бошқа иштирокчилари манфаатларини қандай баҳолаш ва муҳофаза қилиш лозимлиги тўғрисидаги масалага бориб тақалган эди. Шунга боғлиқ равишда корпоратив ҳуқуқ ва бошқарувда акциядорликка йўналтирилган моделнинг учта муқобили пайдо бўлди. Биз уларни шартли равищда менеджерлик йўналишидаги корпоратив ҳуқуқ модели, меҳнат йўналишидаги модел ва давлат йўналишидаги корпоратив ҳуқуқ модели деб атай қолайлик. Гарчи ушбу модельлар турли жиҳатлар ва турли юрисдикцияларда амалиётда ҳам, академик фанда ҳам маълум ютуқлар келтирган бўлсалар – да, алал – оқибатда барibir ўзларининг норматив жозибасини йўқотдилар.

Кейнинг пайтларда академик фан корпорация фаолияти иштирокчилари моделига эътибор қарашмоқда. Аммо бу ҳол менеджерлик ва меҳнат модельлари сингари аввалги модельлардан олинган элементлар комбинациясидир, яъни ўша унсурларнинг ўйгунаштирилган ийғиндисидир. Аввалги модельларни ишдан чиқарган кучлар оқибатда корпорация фаолияти иштирокчилари модельни ҳам акциядорликка йўналтирилган модельнинг яшаб қолишига, татбиқ этилишига қобилиятсиз муқобили сифатида йўлдан олиб ташлаши аниқ.

Менеджерлик йўналишидаги корпоратив ҳуқуқ модели.

Америка Қўшма Штатларида XX асрнинг 30 – 60 йилларида улкан корпорациялар менеджерларининг ютуқлари норматив тафаккур томонидан кўйларга кўтариб мақталди. Масалан. Мерик Додд ва Жон Кеннет Гелбрейт шу нуқтаи назар тарафдорлари эдилар. Берле ҳамда Минз ҳам ўз академик фаолиятларининг сўнги босқичларида шу фикрга келдилар<sup>1</sup>. Ушбу нуқтаи назар асосида корпорацияларнинг профессионал менеджерлари манфаатдор бўлмаган технократик фидуциарлар сифатида хизмат қиласидилар ҳамда умумий ижтимоий манфаатларга мос келадиган дараҷада тадбиркорлик юритадилар, деган ишонч ётади. XX асрнинг 50 – йилларидағи корпоратив ижтимоий жавобгарлик тўғрисидаги адабиётларни ушбу нуқтаи назарнинг ёрқин ифодаси дейиш мумкин<sup>2</sup>.

Ушбу нуқтаи назарнинг норматив жозибаси АҚШда XX асрнинг 50 – 60 йилларидағи турли ҳуқуқий ютуқлар билан, яъни корпорациялар менеджерларининг дискрицион ваколатлари кучайиш сари йўл туттани билан, масалан, қимматбахо қоғозлар ва алмашув бўйича корпоратив фаолият вакиллари тўғрисидаги АҚШ комиссияси томонидан қабул қилинган қоидаларда ҳамда Вильямс ҳужжатида (АҚШ) ушбу кучайиш анъана тусига киргани билан изоҳланади. Аммо конгломерат ҳаракатнинг 70 – 80 йиллардаги инқизози кўпшина ҳолатларда менеджерлик модельдан четланишига сабаб бўлди. Менеджерларга корпоратив инвестиция сиёсатини бошқариши бўйича кўп ваколатлар берилса, улар ўз манфаатларни йўлида шунча кўпроқ ишлай бошлашларига бутунги кунда яққол амин бўлиб турибмиз. Менеджерлик корпорациялари акциядорларнинг эмас, балки ўз манфаатларини самаравироқ муҳофаза қила бошлаган лойиҳаларга ҳаддан ташҳари катта суммаларнинг инвестиция қилиниши кўпайиб боради.

Меҳнат йўналишидаги модел. Катта компанияларда меҳнат

Гуламов Сайдилла – ТДЮИ доценти, кефн.



шартномаси муаммоси аниқ – равшан намоён бўлади. Ходимлар ва компаниялар ўртасидаги узоқ муддатли муносабатларни бошқаришда оддий шартномалар ва шартнома ҳуқуқининг асосий доктриналари ўз – ўзидан бир – бирига мос келмайдилар, яъни улар бир – бирларига адекват эмас<sup>3</sup>.

Юшган иттифоқлар воситасида тузиладиган жамоавий шартномалар ушбу муаммони ҳал этишининг воситаларидан бири эди. Аммо бундай ёндашув корпоратив ҳуқуқ чегараларидан ташқарида эди. У ишчи ва ходим шартнома тузган компаниянинг ички ташкилий тузиласига қарам бўлмаган иттифоқ билан ишчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берарди. Иккичи бир ёндашув ишчини масалан, уларнинг вакилини компаниянинг директорлар кенгаши таркиби киритиш йўли билан корпорацияни бошқаришга тўғридан тўғри жалб этишдан иборат. эди<sup>4</sup>. Масалан, Ваймар Республикаси даврларида ишчиларнинг корпоратив бошқарувдаги иштирокига катта эътибор берилган. Юнионизм ўша пайтларда ушбу муаммони ҳал этиш йўлидаги устивор йўналиш бўлган. Иккичи жаҳон урушидан кейин бутун Европада ишчиларни корпоратив бошқарувда иштирок этиши бўйича жиддий тажрибалар ўтказилган. Ушбу тажрибаларни натижалари айниқса Германияда яққол кўзга ташланади. У ерда илк бор 1951 йилда қонунчилик асосида кўмур ва металургия саноати учун қонун кучига, эга бўлган қойдалар ишлаб чиқиди. Кейинчалик улар Германия саноатининг қолган қисмига ҳам босқичма – босқич тарқалди. 1952 – 1976 йillardarda ходимлар Германиянинг барча улкан компанияларида кузатув кенгашлари иштирокчиларининг ярмини сайлаб кўйишлари мумкин эди<sup>5</sup>. Корпорация ишчиларни директорлар бошқарув таркибига киритишдан иборат бўлган ушбу немисча шакл чуқур тажриба қилинган бир пайтада, бир қанча Европа мамлакатлари ходимлар иштирокида корпорацияни бошқаришнинг бир мунча енгилроқ йўлларини тажриба қилиб кўрдилар. Улар улкан корпорацияларини кузатув кенгашларида иштирок этиши учун ишчиларга белgilanган маълум миқдорда жой (квота) ажратиб бердилар.

Европа Ҳамжамиятининг Корпоратив ҳуқуқ бўйича Бешинчи директивасини амала ошириш учун шарт – шароитлар яратилиши ҳамда корпорация ходимларини директорлар бошқарув таркибига киритишдан иборат тажрибанинг кенг ёйилиши билан корпорацияларни бошқаришда ходимлар иштироки миқдори XX асрнинг 70 йillardарiga келиб ўзининг энг юқори нуқтасига чиқди<sup>6</sup>.

Европа Ҳамжамиятининг Корпоратив ҳуқуқ бўйича Бешинчи директивасига мувофиқ Германия намунасидағи корпорациялар ишчиларини директорлар бошқарувни таркибига киритиш ҳаракати бутун Европага кенг ёйиди. Ўша даврда бу тажриба АҚШ учун жозибадор тулоди, зеро унинг зидди бўлган юнионизм меҳнат шартномаси борасидаги муаммоларни ҳал этишининг усули сифатида ўз жозибасини йўқота бошлаган ҳамда амалда «саноат саҳнasi»дан тушиб кета бошлаган эди<sup>7</sup>.

Ишчиларни корпоратив бошқаришда иштирок этишга жалб этиш усули норматив усул сифатида ўз кучини йўқота бошлади. Европа Ҳамжамиятининг Бешинчи директиваси, очигини айтганда, ҳеч қачон қонун нормаси мақомига эга бўлмаган. Ҳозирги пайтдаги тасаввурлар бўйича ходимларнинг корпорацияни бошқаришда иштирок этишилари энди ҳеч қачон таракорланмаса керак. Ҳозирги пайтда ходимларнин овоз бериш йўли билан корпорация ишларига аралашуви кузатув кенгашлари ишининг издан чиқишига, бесамар қарорлар қабул қилинишига олиб келади, деган фикрлар устуворлик қилмоқда.

Типик фирмалардаги ишчи кучлари бутунлай бир хил бўлмаса, уларнинг фойдасини кўзлаган ҳолда самардор бошқарув органинни ташкил этиш лозим, деган тәжлиф – мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ходимлар ҳудди Германия компанияларидағи сингари инвесторлар билан бошқарувни бўлишиб ола бошласалар, яъни инвесторлар сингари бошқарувда иштирок эта бошласалар, корпорациянинг муаммолари сезиларли даражада орта боради. Умуман олганда, шартномавий муносабатлар ҳар қанча камчиликларга қарамасдан ишчиларнинг овоз беришдаги иштирокига ҳамда инвесторлар ва ходимлар ўртасидаги низоларни ҳал этишда қўлланиладиган жамоавий характеристдаги бошқа механизмларга қарагандо анча самарали бўладилар, тўғри, уларни бу ҳолатда бозорга оид зарурий тартибига солиш билан тўлдиришлари лозим<sup>8</sup>.

Ҳозирги пайтда Германияда камдан – кам олимлар ходимларнинг корпоратив бошқарувдаги иштирокини ёқлаб чиқадилар. Ходимларнинг бошқарувдаги иштироки уларнинг локал, яъни маҳаллий манфаатлар ва ҳолатларга мослашиши нуқтаси назаридан ёхуд янада оддийроқ қилиб айтадиган бўлсалак, натижаларини ҳозирги кунда сиёсий жиҳатдан бартараф этиш жуда қийин бўлган ноаник аҳамиятга молик тажриба (эксперимент) сифатида қараб чиқилади<sup>9</sup>.

Давлат йўналишидаги корпоратив ҳуқуқ модели. Иккичи жаҳон урушидан аввал ҳам, ундан кейин ҳам хусусий компаниялар жамоат манфаатларига хизмат қилинадар, деган давлат баъзи бир кафолатларни таъминлаш мақсадида тадбиркорлик билан шугууландиган улкан компаниялар ишларида тўғридан – тўғри рол ўйнайдиган корпоратив тизим fojasini кенг қўллаб – қувватланган. Технократик органлар корпоратив секторга тўғридан – тўғри таъсир қилиш воситасида ҳукуматга бозордаги камчиликлардан холос бўлишда ёрдам бера олсинлар, деган фикр ушбу ёндашувнинг асосини ташкил этади. Бу ёндашув урущдан кейинги Франция ва Японияда жадал амала оширилган<sup>10</sup>.

АҚШда мудофаа саноати чегараларидан ташқарида ушбу йўналиш бўйича арезим тажрибалар амала оширилди. Ушбу модель илмий доираларнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлди. Давлат йўналишидаги корпоратив ҳуқуқ моделининг англо – америка жамиятидаги энг ёрқин тасвиғи Эндрю Шлонфильдин «Замонавий капитализм» (1967) китобида берилган<sup>11</sup>. Муаллиф ўз асарида намунавий режалаштириш стилининг Франция ва Япония тажрибаларини завқ – шавқ билан тасвирилаб беради. Давлат йўналишидаги корпоратив ҳуқуқ моделига асосланган Япония ва бошقا бир қатор Осиё мамлакатларидағи юқсак иқтисодий самардорлик боис ушбу модельга бўлган ишонч ҳатто 1980 йилдаги бўхрондан кейин ҳам йўқолмади<sup>12</sup>.

Ўз – ўзидан маълумки, корпоратив фаолият устидан давлат назоратининг асосий инструментлари корпоратив ҳуқуқ чегараларидан ташқарида эди. Улар ҳуқумат органларининг кредитларини тақсимлаш, ташки алмашув, лицензиялар бериш, антимонополия қоидаларига истиснолар киритиш соҳаларидағи бир қатор ҳуқуқларини ўзида мужассам этган. Албатта, корпоратив ҳуқуқ акциядорларнинг корпорация менеджерлари устидан назоратини сусайтиришда муҳим ўрин тутган. Менеджерларнинг давлат манфаатларига зид равишда ҳаракат қилиши имкониятларини чеклаб кўйиш мақсадида давлат томонидан назарда тутилган. акциядорлар қўллайдиган фуқаровий – ҳуқуқий датъолардан самардорали бўлган жазо санкцияларидан фойдаланилган.

Бироқ ҳозирги кунга келиб давлат йўналишидаги корпоратив ҳуқуқ модели ҳам ўз жозибасини бутуилай йўқотди. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат социализмидан воз кечилганидадир. Ушбу йўналишдаги муҳим босқичлар XX асрнинг 80 – йилларда Миттеран томонидан давлат мулкчилиги масштабларининг камайтирилганлиги ҳамда 90 – йилларда коммунизмнинг кутилмаганда чилпарчин бўлганигидир. Япония корпоратив секторининг самардорлиги 1989 йилдан кейин анча пасайиб кетганлиги ҳамда Осиё мамлакатларидағи иқтисодий бўхрон ушбу модельнинг обрўйи тушиб кетишига имкон яратади<sup>13</sup>. Шу боис ҳозирги кунда камдан кам олимларгина корпорация ишларида асосий ҳуқуқларни давлатта бериш лозим деганояни илгари сурадилар.

Корпорация фаолияти иштирокчилари модели. XX асрнинг 90 – йилларидаги чоп этилган корпоратив ҳуқуқ ва корпоратив бошқарув тўғрисидаги адабиётларда корпорация фаолияти иштирокчилари модели акциядорлик йўналишидаги модельнинг норматив жозибадор муқобили сифатида ҳимоя қилинган. Бунда ходимлар, кредиторлар, мижозлар, ҳамда компаниянинг локал тузилмаларидағи сотувчилар корпорация фаолияти иштирокчилари бўлишлари мумкин эди<sup>14</sup>.

Аммо, агар корпорация менеджерлари фақат акциядорлар олдида ҳисоб берганларида корпорация фаолияти иштирокчилари компания ҳамда унинг акциядорлари томонидан эксплуатация қилинган бўлур эдилар. Шунинг учун корпоратив ҳуқуқда менеджерларнинг корпорация фаолияти иштирокчилари манфаатлари учун ҳам жавоблагарлиги кафолатлаб қўйилган бўлиши лозим.

Корпорация фаолияти иштирокчилари моделида битта муаммо кўриб чиқилаётганда иккита турлича ечим таклиф этилишини ҳам таъкидаб ўтиш керак. Улардан бир гурухи корпорациянинг фидуциар модельга таянади. Бу модельда директорлар кенгаши компания фаолияти



иштирокчиларининг кўйган ва олган пулларининг бетараба мувофиқлаштирувчиси сифатида фаолият кўрсатади. Ушбу модельга кўра иштирокчилар ва бошқа инвесторларнинг кузатув кенгашида тўғридан тўғри вакиллиги йўқ. Бунинг ўрнига уларга маълум мажбуриятлар ёки директорлар кенгашида акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш кўринишдаги имтиёзлар берилади. Шундай қилиб, ушбу модель кенгаш зиммасига бошқа иштирокчиларнинг манфаатларини таъминлаш бўйича катта маъсулият юклайди.

Фидуциар модель корпорация фаолияти иштирокчилари тўғрисидаги қонун кўринишида АҚШ ҳуқуқида катта аҳамият касб этмоқда. У муҳофазанинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланища директорлар кенгашига бошқа акциядорларга қараганда корпорация фаолияти иштирокчиларининг манфаатларини кўпроқ инобатга олишга имкон яратади. Маргарет Блейр ҳам АҚШ корпоратив ҳуқуқининг бошқа кенгроқ аспектларида ушбу норматив модденинг кўзлаб қувватланишини таъкидлайди<sup>15</sup>. Буюк Британияда ҳам фидуциар модель корпоратив директорларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги тўхтосиз давом этаётган баҳс – мунозараларда ҳал этувчи элемент бўлиб майдонга чиқади<sup>16</sup>.

Корпорация фаолияти иштирокчиларининг иккинчи гуруҳ модельларида иштирокчилар вакиллари эътибори фидуциар директорлар фаолиятига қаратилади. Ушбу вакиллик моделига кўра корпорация фаолияти иштирокчилари директорлар кенгашига ўз вакилларини жўнатадилар. Улар ўз навбатида шартнома дастакларидан фойдаланган ҳолда фаолият иштирокчиларининг умумий фаровонлигини оширишга йўналтирилган сиёсатини ишлаб чиқадилар. Бундай ҳолларда ўзига хос жамоавири фидуциар сифатида кўнгилдагидек фаолият кўрсатади. У фаолият иштирокчиларининг турли гуруҳларининг маълум манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлик ва низоли масалаларни ҳал этиш майдони бўлиб хизмат қиласди<sup>17</sup>.

Аммо, барибири, фаолият иштирокчиларининг фидуциар модели ҳам, вакиллик модели ҳам корпорацияни бошқаришдаги бутунлай янги ёндашув эмас. Ҳар томонлама назарий асослантирилган ҳолда иштирокчилар модели янгича номда таклиф этилганнига қарамасдан, ушбу модель аввалии менеджерлик йўналишидаги ва меҳнат йўналишидаги модельнинг камчиликлари мавжуд. Гарчи менеджерлар ушбу модельлар бўйича корпорация фаолияти иштирокчиларининг бъязи бир гуруҳлари, яъни ходимлар ва кредиторлар манфаатлари йўлида хизмат қила олсалар – да, барибири менеджерларнинг ўз шахсий манфаатлари номутаносиб қарорлар қабул қилишга олиб келади. Акциядорлар, мижозлар, янги ходимлар ва кредиторлар сингари янги гуруҳлар манфаатларини реализация қилиш, яъни амалга оширишни ҳисобга оладиган бўлса, ҳаражатлар ҳар доим фаолият иштирокчилари оладиган фойдалан ошиб кетади. Бундан ташқари, судлар ушбу вазиятлардан менеджерларнинг янада самаралироқ ва виждан ишлашлашларини кафолатлаш учун фидуциар мажбуриятларини шакллантириб, кўзлай олмайдилар.

Вакиллик типидаги иштирокчилар модели, гарчи у фаолиятнинг бошқа иштирокчилари манфаатларини ҳам назарда туутган бўлса – да, меҳнат йўналишидаги модельга жуда ўхшашдир. Ўнда ҳам меҳнат йўналишидаги модельда мавжуд бўлган камчиликлар бор. Фаолият иштирокчиларининг ҳоҳлаган кўринишини директорлар кенгашига аъзо қилиб киритиш корпоратив қарорлар қабул қилишга оғир юқ бўлиб тушади, бу эса ўзига хос салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Бу оқибатлар ҳаражатларининг иштирокчилар манфатларини директорлар кенгашида ёклаб чиқиш орқали келтириладиган ҳар қандай фойдалан ошиб кетишига сабаб бўлади.

Акциядорлик йўналишидаги ёки стандарт модель. Корпорация ишларида маълум имтиёзларни менеджерларга, ҳизматчиларга ёки давлатга бериш менеджерлар охир – оқибатда ҳисоб берадиган томон акциядорлар эканлитини инкор қилишни англатмайди.

Тўғри, бу гап корпорациялар фақат акциядорларнинг манфаатларини кўзлаб бошқарилиши лозим деган маънени бermайди<sup>18</sup>. Корпоратив ташкилотларнинг барча иштирокчилари жамиятнинг умумий мақсадига эришиш йўлида ташкиллаштирилиши ва бошқарилиши лозим деб

ўйлаймиз. Аммо акциядорларнинг манфаатларини жамиятнинг бошқа аъзолари манфаатлари ҳисобидан амала ошириш ярамайди. Корпоратив менеджерларнинг акциядорлар манфаатларига хизмат қилиш борасидаги бурчлари жамиятнинг ижтимоий фаровонлигини ошириш мақсаддагира мос келади, деган фикр – мулоҳазалар ҳам билдирилиб туради. Бироқ корпоратив ҳуқуқда акциядорлар манфаатларнинг бирлашмалиги корпоратив фаолият иштирокчиларининг манфаатлари муҳофаза қилинmasin, деган маънени англатмайди. Акциядор бўлмаган иштирокчилар, яъни кредиторлардан бошқа барча иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўплаб самарод ҳуқуқий механизмлар корпоратив ҳуқуқ чегараларидан ташқариладир. Ходимларга нисбатан у меҳнат шартномаси мавжудигини, нафақат ҳукукини ва маъмурий ҳуқуқни ўзида мужассам этади. Истеъмолчилар учун у маҳсулотнинг хавфсизлиги ва антимонопол ҳуқуқидир. Умуман жамият учун эса экология ҳуқуқидир.

Кредиторлар бунда маълум маънода истиснони ташкил этадилар.

Акциядорлик йўналишидиги модель акциядорлар манфаатларининг бирлашмалигини таъкидлашдан кўра кўпроқ нарсани англатади. Зеро унда барча акциядорларнинг манфаатлари назарда тутилади. Энг кам акциялар соҳиблари ҳам шу жумлага киритилади. Бундан ташқари, у камчиликнинг ҳуқуқларини белгилаб берувчи стандарт модельдаги марказий постулат, яъни ҳеч қандай далил – исботсиз қабул қилинадиган марказий қоидадир, яъни назорат қилинмайдиган акциядорлар назорат қиласидан акциядорлар томонидан эксплуатация қилинишдан кучли муҳофаза қилинишлари лозим. Бунинг маъноси шуки, очиқ корпорацияларда барча акциядорлар барча корпоратив фойдалар ва мулкларга нисбатан тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

Акциядорлик йўналишидаги модель нафақат муқобилларнинг инқирозга учрагани, балки муҳим иқтисодий ютуклар шарофатидан норматив келишув (консенсус) сифатида пайдо бўлган<sup>19</sup>. Кейинги йилларда стандарт модельнинг оммавийлиги янада ошиб кетди. Ҳуқуқ, иқтисод ва тадбиркорлик соҳаларида фаолият юритаётган кўплаб олимлар ва бошқа мутахассислар айнан мана шу модельнинг самарод эканлигини таъкидламоқдалар<sup>20</sup>. Бунинг сабабларидан бири шуки, корпорацияларда акциядорлик инвесторларининг манфаатларини шартнома воситасида муҳофаза қилиб бўлмайди<sup>21</sup>. Ўз манфаатларини ҳимоя қила олишлари учун уларга компанияни назорат қиласи бориши ҳуқуқи берилиши керак. Иккинчи сабаб шундан иборатки, акциядорлар томонидан олинган назорат ҳуқуқи эксклюзив ҳамда кучли бўлса, улар ўз компаниюларининг фаровонлигини ошириш учун сезиларли стимулларга (рафбатларга) эга бўладилар<sup>22</sup>. Учинчи сабаб шундаки, корпорациянинг бошқа иштирокчилари манфаатлари шартнома ва ҳуқуқий тартибга солиш асосида етарли даражада ҳимоя қилиниши мумкин. Шундай экан, акциядорлар томонидан компания фаровонлигининг максималлаштирилиши бошқа иштирокчилар манфаатларига ҳам жавоб беради<sup>23</sup>.

АҚШда манфаатлар гуруҳининг оғирлик маркази менеджерлардан акциядорлар тарафига кўчиб ўтгани акциядорлар синфининг кенгайиши ва кучайишидаги асосий самара бўлди<sup>24</sup>. Европа ва Японияда эса манфаатлар доминантларининг ходимлар ва давлат томонидан акциядорлар тарафига кўчиб ўтгани муҳим самара ҳисобланади<sup>25</sup>.

Ўзбекистон корпоратив ҳуқуқида эса, биринчи навбатда, давлатга ва акциядорлик жамияти ходимларига устуворлик берилади. Бу ерда акциядорлик ҳуқуқининг давлат йўналишида эканлиги яқоли этиб кўзга ташланади ва бу ҳолат давлат улуши бор бўлган акциядорлар жамиятлари тузилётганида намоён бўлади. Бу эса мамлакатимизда давлат корхоналарининг хусусийлаштирилётганилиги натижасидир. Давлат улуши 25 фоиздан юқори бўлган акциядорлик жамиятларида давлат манфаатларини давлатнинг ишончли вакили ёки ишончли бошқарувчи ҳимоя қиласди<sup>26</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини бошқариши такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида айтилишича «хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш», акциядорлик жамиятларидаги давлат активларини ва акциялар улушларини бошқариш самародорлигини ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни аниқ ва мақсадли қўллаб – қувватлаш



мақсадида давлат улуши бор бўлган акциядорлар жамиятларида давлатга тегишли акциялар пакетларини ишончли бошқарувга топшириш Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси томонидан амалга оширилади»<sup>27</sup>.

Акциядорлик жамиятидаги давлат акциялари пакетини ишончли бошқарувчи мансаб бўйича акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзосидир ва у акциядорларнинг умумий мажлисида сайланиши (қайта сайланишга) муҳтоҷ эмас<sup>28</sup>. Бунда ишончли бошқарувчи ваколатлари сирасига акциядорлик жамиятини ишончли бошқариш шартномаси бўйича фойда кўрувчи давлатнинг манбаатларини ҳимоя қилиш киради<sup>29</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 86 – маддасида кўрсатиб ўтилишича, «жамият жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш ягона ижроия органи (директор) ёки жамиятнинг коллегиал ижроия органи (бошқарув, директория) томонидан амалга оширилиши мумкин». Уша Қонунининг 81 – маддасида айтилишича «жамиятнинг кузатув кенгаши Ушбу Қонун билан акциядорларнинг умумий мажлиси ваколатлари сирасига киритилган масалаларнинг ҳал этилишидан ташқари жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади». Бу энди хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш кузатув кенгаши ваколатига кирмаслигини англатади. Коида бўйича, маҳсулот ассортименти ва сифати, ишлаб чиқариши реконструкция қилиш ва техник жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб этиш бўйича амалга ошириладиган чора – тадбирлар акциядорларнинг умумий мажлисида эмас, балки хўжалик фаолияти давомида ҳал этиладиган масалалардир. Шу сабабдан кузатув кенгаши бу масалаларни ҳал эта олмайди. Шунинг учун кузатув кенгаши бунда Қонун нормалари ҳамда акциядорлик жамиятлари моҳиятининг принципиал қоидалари бузилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Холоса. Юқорида биз корпоратив бошқарувнинг стандарт (андозавий) модели тўғрисидаги нуқтаи назарларнинг ўзаро яқинлашув манбаларини очиб беришга ҳаракат қидик. Корпоратив бошқарувнинг ўзаро рақобатлашашётган муқобил моделларидан биронтаси стандарт (андозавий) акциядорликка

1 Adolph A. Berle. Corporate Powers as Powers in Trust //Harvard Law Review. 1931. №44. P.1049; E. Merrick Dodd. For whom are Corporate Managers Trustees? //Harvard Law Review. 1932. №45. P.1145; Adolph Berle. For whom Corporate Managers are Trustees: A Note //Harvard Law Review. 1932. №45. P.1365; Adolph A. Berle. Power without Property: a New Development in American Political Economy. Boston, 1959. P.107–110.

2 Edward Mason. The Corporation in Modern Society. – NY, 1959.

3 Holmstrom B. and Tirole J. The Theory of the Firm //Schmalensee R. and Willig R.D. (eds.). Handbook of Industrial Organisation. – Vol. 1. – North-Holland, 1991. P.306.

4 Marleen A. O'Connor. Restructuring the Corporation's Nexus of Contracts: Recognizing a Fiduciary Duty to Protect Displaced Workers //N.C. L. Rev. 1991. №69. P.1189.

5 David Millon. Default Rules, Wealth Distribution and Corporate Law Reform: Employment at Will versus Job Security //U. PA. L. Rev. 1998. №146. P.975.

6 Proposal for a Fifth Company Law Directive. O.J., 1983. P.C240–C242.

7 Michael E. DeBow & Dwight R. Lee. Shareholders, Nonshareholders and Corporate Law: Communitarianism and Resource Allocation //Del. J. Corp. L. 1993. №18. P.393, 395.

8 Henry Hansmann. Supra note 2. P.89–119; Henry Hansmann. Worker Participation and Corporate Governance //University of Toronto Law Journal. 1993. №43. P.589–606; Henry Hansmann. Probleme von Kollektiventscheidungen und Theorie der Firma. Folgerungen für die Arbeitnehmermitbestimmung. Claus Ott and Hans-Bernd Schäfer, editors. – Цюкономическая Анализе des Unternehmensrechts, 1993. P.287–305. On the weaknesses of German boards, see, e.g., Mark Roe. German Securities Markets and German Codetermination //Columbia Business Law Review. 1998. №98. P.167.

9 Michel Albert. Capitalism vs. Capitalism. 1993. P.169–190.

10 William T. Allen. Contracts and Communities in Corporation Law //Wash. & Lee L. Rev. 1993. №50. P.1395–1400.

11 Andrew Shonfield. Modern Capitalism: the Changing Balance of Public and Private Power. – Washington, 1967.

12 Ronald J. Gilson and Mark J. Roe. Lifetime Employment in Japan: Labor Peace and Corporate Governance. Corporate Governance Today. New York: Columbia Law School, 1998. P.67.

13 Kaen Fred R. A Blueprint for Corporate Governance: Strategy, Accountability, and the Preservation of Shareholder Value. – NY: Amacom, 2003. P.985.

14 Michael Klausner. Institutional Shareholders' Split Personality on Corporate Governance: Active in Proxies, Passive in IPOs. Stanford Law

йўналтирилган модел сингари самардор эмаслиги фикримиз асоси бўди. Юқорида кўриб ўтилган идеологик характердаги ўзгаришлар ҳамда манбаатлар ўзгаришлари таъсири остида корпоратив бошқарув АҚШда ҳам, Европа ва йоннияда ҳам алоҳида эътибор қаратидаидан объектга алланди. Корпоратив иштирокчилар компанияларнинг стандарт моделга якилаштиришга қаратилган тузилмав ўзгаришларни ўзлари «Пайванд» қиласидар. АҚШ амалиётида ушбу ўзгаришлар кўплаб мустақил директорларнинг директорлар кенгашига киритилишини, умуман олганда кенгаш таркибининг қискаришини, аудит қўмитаси, компенсация (товор тўлаш) қўмитаси каби қудратли қўмиталарнинг тараққий этишини анатлатади<sup>30</sup>. Бироз секинроқ бўлса да, Европа ва Японияда ҳам шундай ўзгаришлар юз бермоқда. ОЕСД томонидан корпоратив бошқарувнинг янги принциплари оммавийлаштирилаётганини, Япония фирмаларининг директорлар кенгаши ҳажмларини камайтириши, узар каторига ноңиро директорларни киритиш тўғрисидаги яқинда қабул қиylan қарорлари (уларнинг биринчиси SONY дир! Буюк Британияда олий менеджерлар учун акциядорлик опциона компенсация режаларининг диффузияга учраши континентал Европада асосий тадбиркорлик юрисдикцияларининг диффузияяга учраши бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистонда корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш учун стандарт моделни қабул қилинши тақлиф қиylan бўлар эдик, зоро бу модел жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий эътиёжларига энг кўп жавоб берадиган модел сифатида ўзини кўрсатмоқда. Аммо бунда давлатнинг корпоратив манбаатларига қонуний равища аралашини таъминлаш мақсадида ўзбекистон Республикасининг мавжуд норматив – ҳуқуқий ҳужжатларини кўриб чиқиш лозим, зоро бу корпоратив курилиш самардорлигининг ўсишини таъминлайди ҳамда шу билан бирга мамлакат иқтисоди тараққиётida унинг ролини оширади ва мамлакатда бозор муносабатлари ўрнатилишига самарали ёрдам кўрсатади. Шунга боғлиқ равища биз хорижда ушбу соҳада ҳуқуқий тратибга солишида йиғилган бой тажрибани чуқур ўрганиш ва унга ижодий ёндошиш лозим деб ҳисоблаймиз.

and Economics Olin Working Paper. No.225. – November 2001. P.87.

15 Margaret M. Blair & Lynn A. Stout. A Team Production Theory of Corporate Law //VA. L. Rev. 1999. №85. P.247.

16 Company Law Reform Steering Group. Modern Company Law for a Competitive Environment: The Strategic Framework. March 1999. P.39–46.

17 Reinhard H. Smith and Gerald Spindler. Path Dependence, Corporate Governance and Complementarity. A Comment on Bechuk and Roe. The Johann Wolfgang Goethe-Universität Working Paper Series //Finance and Accounting. 1999. No. 27. P.14.

18 Ronald J. Gilson. Globalizing Corporate Governance: Convergence of Form or Function //Stanford Law & Economics. Olin Research Paper. 2000. No.192. P.16; Columbia Law and Economics Working Paper. May 2000. No.174. P.16.

19 Lea David. Corporate and Public Responsibility, Stakeholder Theory and the Developing World //Business Ethics: A European Review. 1999. №8(3) (July). P.151–162.

20 Hamil Sean. Corporate Community Involvement: A Case for Regulatory Reform //Business Ethics: A European Review. 1999. №8(1) (Jan.). P.14–25.

21 Aghion P. and Bolton P. An 'Incomplete Contracts' approach to Financial Contracting //Review of Economic Studies. 1992. №59. P.257–82.

22 Hill Charles W. L. and Thomas M. Jones. Stakeholder Agency Theory //Management Studies. 1992. №29(2). P.131–154.

23 Burkart M., Gromb D. and Panunzi F. Large Shareholders, Monitoring, and the Value of the Firm //Quarterly Journal of Economics. 1997. №112(3). P.693–728.

24 Goodpaster Kenneth E. Business Ethics and Stakeholder Analysis //Business Ethics Quarterly. 1991. №1(1). P.53–72.

25 Haig Simonian. Germany to Abolish Tax of Disposal of Cross-holdings //Financial Times. – December 24, 1999. P.1; Paul Abrahams and Gillian Tett. The Circle is Broken //Financial Times. – November 9, 1999. P.18.

26 ЎзР ВМ «Давлат мулкни бошқарышини токомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори 05.07.2000. N 257 //«Норма» АХТ, 24.04.2004.

27 Ўша жойда. 1 б.

28 ЎзР ВМ 22.08.1998 й. 361-сонли қарорига 5-сонли илова «Давлатга тегишли акциялар пакетларини ишончли бошқарувга бериш тартиби» //«Норма» АХТ, 24.04.2004.

29 Ўша жойда.

30 Gioia Dennis A. Response: Practicability, Paradigms, and Problems in Stakeholder Theorizing //Academy of Management Review. 1999. №24(2) (April). P.228–232.